Бундай ижобий эффектларни олиш учун автоматик ростлаш тизими қуйида келтирилган талабларга жавоб бериши керак:

- статистик хатоликни таъминлаши керак - 0,05 % кўп эмас.
- максималъ қайтаростлаш  $\sigma$ , –10 % дан кўп эмас.
- Ростлаш вақти  $t_p$  - 50 с дан кўп эмас.
- Ошиб бориш вақти –15 с дан кўп эмас.
- Амплитуда бўйича барқарорлик қўшимчаси - 10 дБ дан кўп эмас.
- Фаза бўйича барқарорлик қўшимчаси - 30 дан то 80 град.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |



## 2.2 Автоматлаштириш бўлими

Лойиҳанинг бирламчи маълумотлари:

1. Ростланадиган катталиқ: Хом-ашё намлиги.
2. Автоматлаштириш объекти: Трубали шарли тегирмон.
3. Автоматлаштириш объекти идентификацияси учун бирламчи маълумотлар – dan(301:400)
4. Ўлчов интервали (дискретлаштириш вақти) –  $T_s = 3$  с.
5. Узатиш функциялари:
  - Датчик:  $K_g = 3$ .
  - Ростланадиган аъзо:  $K_{po} = 0,03$ .
  - Ишчи механизм:  $W_{им} = \frac{1,3}{(0,2p + 1)(0,02p + 1)}$


## 2.3 Модернизацияланадиган автоматлаштирилган тизим янги тузилмасини танланишининг асослови.

Трубали шар тегирмонида хом-ашё намлигини автоматик ростлаш тизими берилган схемасида ушбу тизимга қўйилган талабларни бажариш учун ПИД-регулятор қўшамиз.

Умумий ростлаш жараёнидан хом-ашё намлигини ростлаш контурини танлаймиз[5].

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Трубали шар тегирмонида хом-ашё намлигини ростлаш жараёнини автоматик ростлаш тизими контури функционал схемаси асосида автоматик ростлашни аниқлаш учун тузилмали-функционал схема тузамиз. Расм.6



Расм-6. Трубали шар тегирмонида хом-ашё намлигини ростлаш жараёнини автоматик ростлаш тизими контури функционал схемаси

Тузилмали-функционал схемада қуйидаги белгилашлар киритилган:

Зад – намликни берилиши


Р – ростловчи аъзо

ИМ – ишчи механизм

ТОУ – бошқаришнинг технологик объекти

Т – намлик датчиги

Трубали шар тегирмонида хом-ашё намлигини ростлаш жараёнини автоматик ростлаш тизими таҳлили учун алгоритмик схемасини тузамиз.



Расм-7. Трубали шар тегирмонида хом-ашё намлигини ростлаш жараёнини автоматик ростлаш тизими таҳлили учун алгоритмик схемаси

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Автоматлаштирилган тизимнинг кўпгина элементлари учун статик ва динамик математик модел хусусиятлари маълум:

Датчик:  $K_g = 3$ .

Ростловчи аъзо:  $K_{p0} = 0,03$ .

Ишчи механизм:  $W_{им} = \frac{1,3}{(0,2p+1)(0,02p+1)}$

Бошқариш объекти технологиясини етарлича ўрганилмаганлиги сабаб унинг математик моделини олиш учун экспериментлар орқали олинган статистик маълумотлардан фойдаланамиз, яъни автоматлаштириш объекти идентификациясини амалга оширамиз.

## 2.4 Автоматлаштириш объектини идентификациялаш

Эксперимент амалга оширилгандан сўнг “data” файлида 2000 та қуйидаги ўзгарувчилар катталиги қийматлари сақланади:

U – сув сарфи.

Y – хом-ашё намлиги.

Вақт ўзгариши интервалида ўлчашлар  $t_s = 3$  с

Олинган қийматларни ягона “dan3” исмли файлга йиғилади:

```
>> ts = 3
```

```
>> dan3 = iddata (y(301:400), u(301:400), ts)
```

Файлда йиғилган маълумотларни тушунарли ифодаланиши учун ўзгарувчиларни белгилаб оламиз:

```
>> dan3.outputn = 'Хом-ашё намлиги'
```

```
>> dan3.inputn = 'Сув сарфи'
```

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Шундан сўнг, файл ҳақида маълумотни тўлиқ кўриш мумкин:

```
>> get(dan3)
```

Маълумотларни график акс этиш учун қуйидаги командадан фойдаланиш мумкин:

```
>> plot(dan3)
```

Бирламчи берилган маълумотларни кейинчалик ишлатиш учун танланган маълумотлар трендини ўчириш ва агар зарур бўлса SID пакетида мавжуд воситалар ёрдамида филтрлаш ҳамда маълумотларни икки бўлакка ажратиш: `dan3v` ва `dan3e` мақсадида ушбу маълумотларни қўйиш керак. Бу маълумотларнинг биринчи қисми MATLAB да объект моделини қўйиш учун ишлатилади, иккинчи қисми эса олинган модел адекватлигини текшириш учун ишлатилади[6].

```
>> ident
```

Маълумотларни GUI (Фойдаланувчи График интерфейси) га киритамиз, бунда қуйидагини танлаймиз: *Data* → *Inport* → *Iddata object*

*Preprocess* → *Quick start* тугмасини танлаб маълумотларни бирламчи қўйиш ишлашини амалга оширамиз.

Экспериментни параметрик баҳоланиши

“*Parametric Models*” бўлимида “*Estimate*” тугмасини танлаб параметрик баҳолаш моделини танлаймиз. (Барча моделлари танлаймиз)

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 A.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Уларни адекватлиликка текширамыз “*dan3e*”

Улар ичидан адекватлиги энг яхши бўлган моделни танлаймыз (менинг мисолимда бу “*arx443*”)

Олинган модель “Matlab” матрицали модели икчи кўринишида “ $\theta$ -формате” деб номланувчи форматида акс этилаган ва дискрет ҳисобланади. Моделни ўтказиш шунга келтирладик, АРТ(автоматик ростлаш тизимида) таҳлил ва синтез учун қулай моделни олиш талаб этилади.

1. “ $\theta$ -формата” дан  $A(z)$  ва  $B(z)$  полиномлар вектор коэффицентларига ўтказиш:

```
>> [A,B]=th2arx(arx443)
```

2. Ифодани сурат ва махражини олиш учун қуйидаги буйруқлардан фойдаланамиз:

```
>> [num,den]=th2tf(arx443)
```

3. Фискрет узатиш функциясини кўриш учуг қуйидаги буйруқдан фойланамиз:

```
>> zdan3=tf(num, den, ts)
```

$$\frac{0,07194z^3 + 0,06712z^2 + 0,02567z + 0,01159}{z^6 - 0,8887z^5 + 0,06469z^4 + 0,01887z^3 + 0,006161z^2}$$

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

4. “θ-формата” даги дискрет моделни узлуксизга ўтказамиз:

```
>> sdan3 = thd2thc(arx443)
```

5. Узлуксиз тизим узатиш функциясини оламиз:


```
>> [n,d]=th2tf(sdan3)
```

```
>> sysdan3 = tf(n,d)
```

$$W_{TOY} = \frac{0,09768s^3 - 0,03054s^2 + 0,01173s + 0,02835}{s^4 + 1,697s^3 + 1,53s^2 + 0,4752s + 0,03233}$$

Объектнинг динамик характеристикалари

## 2.5 Ўтиш характеристикалари



Расм-8. Узлуксиз ва дискрет модел ўтиш характеристикалари

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Ўрнатилган қийматлар – 0,927

Зтиш жараёни вақти: Узлуксиз модель – 45,3 с

Дискрет модель – 54 с


Ростлаш вақти: Узлуксиз модель – 25,8 с

Дискрет модель – 24 с

### Частотали характеристика

“Matlab” буйруқлари ёрдамида частотали характеристикани аниқлаймиз:

```
>>bode (sysdan3)
```



Расм-9. Частотали характеристикалар

```
>> [Gm,Pm,Wcg,Wcp]=margin(sysdan3)
```

Бу ерда  $G_m - W_{сг}$  частотасида табиий катталикдаги амплитуда бўйича қўшимча барқарорлик қиймати

$P_m - W_{ср}$  частотасида фаза бўйича қўшимча барқарорлик қиймати

Логарифмик масштабга ўтказиш учун қуйидаги буйруқни ишлатамиз:

```
>> Gmlog = 20*log10(Gm)
```

### Бошқариш ва кузатиш

Бошқариш тизими таҳлили ва синтезини ечиш учун объект бошқариладиган ёки кузатиладиган эканлиги билаш жуда муҳим.

Объект тўлиқ бошқариладиган дейилади, агарда ихтиёрий бошқариладиган таъсирда уни бошланғич ҳолатдан маълум бир олдиндан кўрсатилган якуний ҳолатга ўтказиш мумкин бўлса[7].

Объект тўлиқ бошқариладиган бўлиши учун бошқарилиш матрицаси ранги ҳолат вектори ҳажмига тенг бўлиши керакли ва етарли ҳисобланади.

Бошқарилиши мумкинлигини аниқлаш учун ҳолатлар кенглигида моделлар матрицасидан фойдаланиш керак.

```
>> [A,B,C,D] = ssdata(sysdan3)
```

```
>> Mu = ctrb(A,B)
```

```
>> n = rank(Mu)
```

Бизнинг ҳолатда бошқарилиш матрица ранги 4 га тенг ва ҳолат вектори ҳажми ҳам 4 га тенг..

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |



*ХУЛОСА: объект бошқариладиган*

Объектни кузатилиши маълум бир вақт оралиғида ўлчанган чиқиш ўзгарувчиси қийматлари бўйича объект ҳолатини(фазали координата вектори) аниқлаш имкониятига асосланади.

Объект тўлиқ кузатиладиган дейилади, агарда объектнинг чиқиш реакциясида объектнинг фазали координаталари ҳисобланмиш ҳолатлар ўзгарувчилари бошланғич ҳолати вектори аниқлаш мумкин бўлса.

```
>> My = obsv(A,C)
```


```
>> m = rank(My)
```

Бизнинг ҳолатда кузатиладиган объект матрициса ранги 4 га тенг ва ҳолатлар вектори ҳажми ҳам 4 га тенг[8].

*ХУЛОСА: объект кузатиладиган*


## 2.6 ПИД – регулятор қўлланилгунгача бўлган трубаги шар тегирмонида хўл хом-ашёни майдалаш жараёнини автоматлаштириш тизими таҳлили

*Simulink* дастурида хом-ашё намлиги автоматик ростлаш тизимини қурамиз (расм-10).



|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Ўтиш характеристикаси олинган бўлиб (расм.11), ундан кўринадлики, тизим унга кўрсатилган талабларга жавоб бермайди, яъни статик хатолик 96% ни ташкил этади, ошиб кетиш вақти 21,4 бўлиб 15 с вақт ўрнага[9].




Расм-11. ПИД – регулятор қўлланилгунгача бўлган трубади шар тегирмонида хўл хом-ашёни майдалаш жараёнини автоматлаштириш тизими таҳлили.

Кўрсатилган талабларни бажариш учун хом-ашё намлигини автоматик ростлаш тизими бирламчи схемасига ПИД-ростлагични қўшамиз ва кўшимча намлик датчигини ўрнатамиз. Бу ростлагич ва кўшима намлик датчиги ёрдамида биз берилган статистик хатлик, ростлаш вақти ва уни ошишини таъминлаймиз ҳамда фаза ва амплитуда бўйича керакли кўшимча барқарорлик таъминлаймиз.


## 2.7 ПИД-регуляторли трубади шар тегирмонида хўл хом-ашё жараёнини автоматлаштириш тизими

Кўшимча намлик датчиги ўрнатилган функционал схемани тузамиз.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |




Турбали шар тегирмонида хом-ашё намлигини росталаш жараёнида ростлаш контури фнкционал схемаси асосида автоматик ростлашни аниқлаш учун структурали-функционал схемани тузамиз[4].



Хом-ашё намлигини росталаш схемаси контурини ростлаш структурали-функционал схемаси

ПИД-регуляторли турбали шар тегирмонида хом-ашё намлигини автоматик ростлаш тизимимини тузамиз (расм-12 ).



Расм-12. ПИД-регуляторли турбали шар тегирмонида хом-ашё намлигини автоматик ростлаш тизимими.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |


ПИД-регулятордаги коэффициентларни кучатириш ўзгарувчиларини  $k_p$ ,  $k_i$  ва  $k_d$  деб белгилаймиз. *Matlab* буйруқ қаторида бу ўзгарувчиларни 1 га тенглаштириб оламиз. Дастурни ишга тушургандан кейин NCD блокка киравиз ва керакли қийматларни киритамиз (расм-13 ):

Росталаш вақти – 50 с

Максималь қайтарстлаш –10% дан кўп эмас

Вақтни ошиши –15 с дан кўп эмас

Статистик хатолик –0,05% дан кўп эмас




Расм-13. Ўрнатилган қийматлар бўйича NCD блок.

*Optimization* менюсидан *Parameters* пунктини танлаймиз, унда варбиация қийматларини белгилаймиз -  $k_p$ ,  $k_i$  ва  $k_d$ , юундан ташқари дискретизация вақтини кўрсатамиз – 3 с.


Старт тугмасини танлаймиз. Дастур  $k_p$ ,  $k_i$  ва  $k_d$  коэффициентларни шундай танлашни бошлайдики, тизимнинг ўтиш жараёни талабаларга жавоб берсин[5].

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |




Расм-14. Ўтиш жараёни оптималъ вариатнларига эга NCD блок.

*LTI Viewer* да ўтиш характеристикасини(расм-15) ва частотали характеристикасини(расм-16) кўриб ўтамиз.



Расм-15. Аралашма намлиги (ПД ругулятор билан) АРТ(автоматик ростлаш тизими) ўтиш характеристикаси

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |



Расм-16. Аралашма намлиги АРТ(автоматик ростлаш тизими) амплитуда-частотали характеристика

Ўтиш характеристикасиндан маълумки (расм-15), тизим унга қўйилган талабларга жавоб беради:

Ошиш вақти – 14,9 с (масалада –15 с кўп эмас)

Ростлаш вақти – 43,3 с (масалада – 50 с)

Максималь қайтаростлаш – 8,66% (масалада –10% дан кўп эмас)

Статистик хатолик – 0 (масалада –0,05% кўп эмас)

Расмдан амплитуда ва фаза бўйича қўшимча барқарорликни аниқлаймиз:

$$\Delta L = 17,9 \text{ дБ}$$

$$\varphi = 115^\circ$$

Ушбу қийматлар бизни қаноатлантиради. Тизимни тўлиқ аниқлаштириш учун *Matlab* ишчи ҳудудида  $k_p$ ,  $k_i$  ва  $k_d$  коэффициентлар қийматларига назар тутамиз:


|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

$k_p = 19.043$

$k_i = 2.8916$

$k_d = 0.79524$ .

Найквиста годографи бўйича (расм-17) тизим барқарорлиги шундай кўриниб турибди.



Расм-17. Найквист годографи


|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

### 3. Технологик жараённи АКТ ёрдамида бошқариш

#### 3.1. Автоматлаштиришнинг бошқариш дастурини ишлаб чиқиш

Технологик жараённи АКТ ёрдамида бошқаришни ташкил этишда биринчи қадамлардан бири бу бошқариш дастурининг алгоритмини яратиш ҳисобланади:

Дастур алгоритми:



|      |       |         |      |      |
|------|-------|---------|------|------|
|      |       |         |      |      |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |

1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ

Варақ



Биз танланган дастурлановчи мантиқий контроллер (ДМК) Ардуино олдиндан дастурланади. Бу учун Ардуинонинг ўзининг дастурий таъминотидан фойдаланамиз.

ДМК ни бизнинг жараёнга мослаштириб дастурлаш учун дастурий таъминотда қуйидаги листингни ёзамиз[4].

```
#include <serialFlow.h>
```

```
boolean breakProg=false;
```

```
//дастурни тугатилишини билдирувчи ўзгарувчи
```

```
int vNamMiq=0;
```

```
//Намлик миқдорини датчикдан аниқлаш учун ўзгарувчи
```

```
int vMayDar=0;
```

```
//Аралашмадаги майинлик даражасини датчикдан аниқлаш учун ўзгарувчи
```

```
int sNamMiq=30;
```

```
//стандарт намлик миқдори
```

```
int sMayDar=1.3;
```

```
//стандарт майинлик даражаси
```

```
int IM2=2;
```

```
//2-ишчи механизмни микроконтроллер портига уланиши
```

```
int IM1=1;
```

```
//1-ишчи механизмни микроконтроллер портига уланиши
```

```
void setup() {
```

```
    analNamMiq=0;
```

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

```

//Намлик миқдорини аниқлаш учун уланган датчикни микроконтрлердаги порти

    analMayDar=1;

//Аралашма майинлиги даражасини аниқлаш учун уланган датчикни
микроконтрлердаги порти

    pinMode(IM2, OUTPUT);

//2-ишчи механизмни микроконтроллер портига уланиш рақами

    pinMode(IM1, OUTPUT);

//1-ишчи механизмни микроконтроллер портига уланиш рақами

    sNamMiq=Serial.read();

// кўрсатилган намлик миқдор қийматини инсон-машина интерфейсидан ўқиш ва
ўрнатиш

    sMayDar= Serial.read();

// кўрсатилган майинлдик даражаси қийматини инсон-машина интерфейсидан ўқиш
ва ўрнатиш


}

void loop() {

    if (Serial.available()>0) { breakProg=True;}

    if (boolean breakProg) {break;} //жаранни бошқариш дастурини иши тугашини
текшириш

    else

    {

```

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

vNamMiq=analogRead(analNamMiq);

//датчикдан намлиқ миқдорини ўқиш

vMayDar=analogRead(analMayDar);

//датчикдан майиндик даражасини ўқиш

if (vNamMiq<sNamMiq) {

digitalWrite(IM2,HIGH);

delay(3000);

digitalWrite(IM2,LOW);

//2-ишчи механизмни ишга тушуриш ва сув сарфини росталаш

}

if (vMayDar>sMayDar) {

digitalWrite(IM1,HIGH);

delay(1000);

digitalWrite(IM1,LOW);

//1-ишчи механизмни ишга тушуриш ва пичоқ ҳолати бўйича хом-ашёни бункерга юкланишини росталагш ва шу билан майинлик даражасини ҳам росталаш

}

else if (vMayDar<sMayDar) {

digitalWrite(IM1,HIGH);

delay(5000);

digitalWrite(IM1,LOW);

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

//1-ишчи механизмни ишга тушуриш ва пичоқ ҳолати бўйича хом-ашёни бункерга юкланишини росталагш ва шу билан майинлик даражасини ҳам росталаш

}


}

}

Шундай қилиб, жараёни бошқариш мақсадида Ардуино Уно ДМК ни дастурий таъминотини шакллантириш учун юқоридаги листинг бажарилди.

**3.2. Технологик жараёни бошқаришнинг оператор-машина интерфейсини ишлаб чиқиш**


Жараёни реал вақт давомида оператор кузатиши учун ҳамда унда керакли пайтда ўзгартириш киритиши учун оператор-машина интерфейси яратилди(Расм-18).



|      |       |         |                                     |      |                            |       |
|------|-------|---------|-------------------------------------|------|----------------------------|-------|
|      |       |         | Расм-18. Оператор-машина интерфейси |      |                            | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо                                | Сана | 1.20 А. 11.11 00.00.000 TX |       |

Оператор машина интерфейси LabVIEW дастурий тилида ёзилган. Интерфейсда технологик жараён кетаётган реал вақт билан намоёиш этилади. Жойида ўрнатирилган датчиклар ўлчанган қийматларни интерфейсда кўрсатилиб боради. Ундан ташқари жараёнинг ижрочи механизмларни ҳолатини кўрсатида.

Жараён асосан автоматик тарзда боради. Аммо оператор керакли пайтда жараёни бошқаришни ўз қўлига олиши мумкин. Бу учун интерфейсимизни ўнг томонида керакли тугмалар мавжуд (Расм-19).



**Расм-19. Интерфейснинг бошқариш тугмалари**

## 4. Инсон организмига ёруғликнинг таъсири

### 4.1 Ёруғликнинг асосий тавсифлари ва ўлчов бирликлари.

Ёруғлик инсоннинг ҳаёти фаолияти давомида жуда муҳим ўринга эга ҳисобланади. Кўриш инсон учун асосий маълумот манбаи ҳисобланиб, умумий олинadиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади.

Ишлаб чиқариш шароитида ёритилганлик ишчилар саломатлигига зарар этказмаслиги учун у кўзни зўриқтирмайдиган, иш вақтида бинонинг ҳамма қисмларида бир текис тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Ёруғлик кўзни қамаштирмайдиган бўлиши, бошқача қилиб айтганда, ёруғлик нурлари кўзга тўғридан-тўғри тушмаслиги керак.

Ёруғликнинг спектрал таркиби шундай танланиши керакки, натижада киши атрофдаги буюмларнинг рангларини тўғри қабул қилсин. Иш жойларида кескин ажралиб турувчи соялар бўлиши ва иш жойлари билан атрофдаги муҳитнинг ёритилганлиги жуда катта фарқ қилмаслиги керак, акс ҳолда киши кўзини бир шароитдан иккинчи шароитга тез-тез ўзгартириб туриши натижасида кўзининг аккомодатсия хусусияти бузилиб, кўриш органларининг толиқиш ҳолати рўй беради.

Шунинг учун ҳам корхоналарни меъёрий ёритиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш билан бирга ишлаб чиқариш шароитини яхшилайти, ишчиларни чарчашдан сақлайди ва меҳнат унумдорлигини оширади.

Меъёрий талаблар даражасида ёритилган ҳудудларда ишлаётган ишчиларнинг кайфияти яхши бўлади, шунингдек хавфсиз меҳнат шароити яратилади ва бунинг натижасида бахтсиз ҳодисалар кескин камаяди.

Инсон кўзи орқали бинафша рангдан то қизил ранггача бўлган ёруғлик нурларини сезади. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёритишнинг мукамал-лиги сифат ва сон кўрсаткичлари билан тавсифланади.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Сон кўрсаткичларига нур оқими (лм), ёруғлик кучи кандела (кд), ёритилганлик (люкс), нур қайтариш коэффициентлари киради.

Юзага тушаётган нур оқими шу юзадан қайтса, бу нур қайтариш коэффициентлари билан белгиланади(0,02-0,95 гача).

#### 4.2 Ёритилганлик ва уларнинг асосий турлари

Амалиётда иш жойларини ёритишда уч хил турдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган ҳолда бўлади.

а) Табиий ёритилганлик қуёшдан ҳамда эру-самодан қайтаётган қуёш нуридан ҳосил бўлган ёруғлик маҳсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар қуёшдан келаётган иссиқлик учун  $1317 \text{ Вт/м}^2$  га, ёруғлик учун эса  $137000 \text{ лк.га}$  тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликлари шундаки, унинг таркибида ўта фойдали ультрабинафша ва инфрақизил нурлари мавжуд бўлиб, бу нурлар муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади, яъни микробларни ўлдириш хусусиятига эга.

Табиий ёруғликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар орқали, девордан дераза орқали ва аралаш ҳолдаги тизимлардан фойдаланилади. Табиий ёритилган тизимларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

-Ёруғлик миқдорини биноларнинг вазифасига қараб танланиши, йўналтирилган ёки тарқоқ ҳолларда бўлишлигини таъминланиши;

-Инсолятсия ва ёруғлик меъёрларидан кам бўлмаслигини таъминланиши.

б) Сунъий ёруғлик табиийсига нисбатан бир оз қимматга тушсада, иш жойларини ёритишда имконияти чексиздир. Сунъий ёруғлик умумий, маҳаллий ва аралаш кўринишда бўлади.

-Умумий ёруғлик бинода бир текис ёритилганликни таъминлай олади.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

-Маҳаллий ёруғлик эса фақат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлайди.

-Аралаш ёруғлик, маҳаллий ёритилганликни, умумий ёритилганлиги билан биргаликда қўлланилганлигидир.

Бу хилдаги яъни аралаш ёритилганлик усули, бинолардаги ярқироқлик тафовути-контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тўла қондира олади.

в) Ёритилганликни вазифасига қараб ишчи ва назорат турларидан ташқари яна фавқулодда зарур ҳолатларда хизмат қиладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуатсия ёритилганликлари дейилади ҳамда миқдорлари 0,5 -2,0 люкс бўлади.

#### 4.3 Табиий ёритилганликни меъёрлаш ва ҳисоблаш усуллари.

Ишлаб чиқаришда ёритилганликни тўғри танлаш учун зарур қўлланма сифатида меъёрий ҳужжатлардан СНиП ИИ-4-79 ва ГОСТ 12.1.046-85 хизмат қилади.

Иш ўринларида ёруғликни меъёрлашнинг асосий мақсади инсон соғлиғини ҳимоя қилиш ва таваккалчилик асосида қилинажак сарф харажатни олдини олишдан иборат ҳисобланади.

Табиий ёруғликни вақтга нисбатан доимий ўзгарувчанлиги сабабли, уни сифати ва миқдорини ўлчаш ва назорат қилиб туриш мақсадида махсус кўрсаткич, ўлчов мезони сифатида қабул қилинган. Бу кўрсаткич табиий ёритилганлик коеффитсиенти деб аталади ва у бино ичидаги ёруғлик миқдорини ( $E_{и}$ ) унинг ташқарисидаги миқдори ( $E_{т}$ ) га нисбатини фоиз ҳисобида олинган миқдорига айтилади ва қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$e_{м} = E_{и} / E_{т} \times 100 \%$$

Табиий ёруғлик кўрсаткичи меъёрини танлаш иш жойидаги бажариладиган ишнинг ва бинонинг турига, ёритиш тизимининг хилига қараб қуйидаги формула ёрдамида

аниқланади.

1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ

Варақ

|      |       |         |      |      |
|------|-------|---------|------|------|
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |
|------|-------|---------|------|------|



|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |


$$e_m = \varepsilon_m^{\text{III}} \times m \times C$$

Бу эрда,  $\varepsilon_m^{\text{III}}$  – табиий ёруғлик коэффитсиенти СНиП ИИ-4-79 жадвалидан олинади;

$m$  – ёруғлик иқлимини кўрсатувчи коэфф шу меъёрда жадвалдан ( $m = 0,8 - 1,2$ );

$C$  – иқлимнинг қуёш коэфф жадвалда ( $0,65 - 1,0$ ).

Табиий ёритилганликни меъёрлашда, бино шифтдан ёритилса, ёритилганликни ўртача миқдори қийматида меъёрланади, агар дераза орқали ёритилса, унда дераза қаршисидан 1,0 м. масофада турган нукта учун ёритилганликни энг кам қиймати меъёрланади.



#### 4.1-расм. Табиий ёритилганликни бинонинг деразаларнинг ўрнатилишига

боғлиқлик коэффитсиентининг чизгиси: а- бир ён томондан; б - икки ён томондан; в – юқоридан;

г – аралаш ёритилганлик (ён томондан ва юқоридан).

Табиий ёритилганликни ҳисоблаш учун меъёр талабига жавоб берадиган ойналарнинг сатҳи қуйидагича аниқланади.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

1. Деразадан ёритиш учун:

$$100C_d/C_n = \varepsilon_m^\partial \times K_3 \times \eta^\partial / \tau_d \times p_1 \times K_6 \times K_d$$

2. Шифтдан ёритиш учун:

$$100C_\Phi/C_n = \varepsilon_m^\Phi \times K_3 \times \eta^\Phi / \tau_\Phi \times p_2 \times K_\Phi$$

бунда,  $C_d$  ва  $C_\Phi$  - дераза ва фонарларни сатҳи,  $m^2$ ;

$\varepsilon_m^\partial$  - дераза ва фонар учун табиий ёритилганлик меъёрлари;

$K_3$  - захира коефф;

$\eta^\partial$  ва  $\eta^\Phi$  - дераза ва фонарларнинг ёритувчанлик тавсифи;

$K_6$  - дераза қаршисидаги бинонинг ёруғликини тўсиш коефф;

$K_d$  - шу бино сиртининг ярқироқлик коефф;

$p_1$  ва  $p_2$  - дераза ва фонар орқали ёритилаётган хоналарда ёруғликини кўп марта қайтиши ҳисобида ёритилганликни кўпайишини кўрсатувчи коефф;

$\tau_d$  ва  $\tau_\Phi$  - дераза ва фонар қурилмаларининг ёруғликининг ўтказувчанлик коефф;

$K_\Phi$  - фонар турини аниқловчи коефф.

#### 4.4. Сунъий ёритилганликни меъёрлаш ва ҳисоблаш усуллари.

Сунъий ёруғликини меъёрлашдан мақсад бирор бир юзани ёритиш учун гигиена нуқтаи назаридан энг камида рухсат этилган минимал ёруғлик миқдори билан таъминлашдир. Бунда назорат ишини таснифи, муҳит билан буюм ўртасидаги ярқироқлик фарқи ва ёритилганлик тизими аниқ ҳисобга олинади.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Назорат ишининг таснифи кузатилаётган буюмнинг ўлчами билан белгиланади. Яъни меъёрга 8 та разряд қабул қилинган бўлиб, биринчиси ўта юқори аниқликда бажариладиган ишлар туркуми ( $<0,15$  мм) -1 разряд 5000лк. дан то дағал ишлар туркуми, яъни фақат жараённи кузатиш учун хизмат қилувчи - ВИИИ-разряд 50лк.гача бўлган ёритилганлик микдорларидир.

Сунъий ёруғликни аниқлаш учун одатда нуқтали ёки ёруғлик оқими усулларида фойдаланилади. Усулнинг моҳияти бирор нур тарқатувчи манбадан ихтиёрий нуқтага тушаётган ёруғлик оқимини аниқлашдан иборат. Бунда нур тарқатувчи манбанинг кўриниши нуқта, чизик, текислик, шар ҳамда тсилиндр шаклларида бўлиши мумкин. Нуқта шарсимон ёғду ман-байидан келаётган ёруғликни масофа квадрати қонунига асосланиб қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$E_a = J_a \cdot \cos^3 \alpha / r^2 (\cos \theta \pm d / H \cdot \sin \theta)$$

бунда,  $J_a$  – ёруғлик кучи, лм;

$\alpha$  - нурнинг ҳисоб нуқтасига нисбатан оғиш бурчаги, град;

$r$  - манбадан нуқтагача бўлган масофа;

$H$  - нур манбаининг полдан баландлиги;  $\theta$  - нуқта ўрнашган текисликни пол сатҳига нисбатан оғиш бурчаги, град;

$d$  – нурнинг горизонтал сояси, м;

Ёруғлик оқими усулида ҳисоблашда, юзани ёритиш учун зарур бўлган ёритгичлар сони қуйидагича аниқланади.

$$N = \varepsilon_m \cdot K_3 \cdot C \cdot Z / \eta \cdot \Phi_{\text{л}}$$

бунда,  $\varepsilon_m$  – ёритилганлик меъёри, лк;

$K_3$  – захира коефф (1,3-1,5);

$C$  – ёритилажак юза, м<sup>2</sup>;

$Z$  – ёруғликни нотекислик коефф (1,1-1,15);

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

$\eta$  – ёритилгичларни фойдаланиш коеффитсиенти.

Бу эрда,  $a$  ва  $b$  – бинонинг бўйи ва эни, м.

$h$  - ёритгичнинг ёритилаётган юзадан баландлиги, м

#### 4.5. Ёритилганликка бўлган асосий талаблар ва ёритқичлар.

Ишлаб чиқариш шароитида ёритилганлик, ишчи-ходимлар саломатли-гига зарар этказмаслиги учун у кўзни зўриқтирмайдиган, иш вақтида бинонинг ҳамма қисмларида бир текис тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Корхоналарда ёритишга доир талаблар қуйидагилардан иборат:

-ёритиш қурилмаси ёруғлигининг спектрал таркиби қуёш ёруғлиги-никига яқин бўлиши;

-бажариладиган ишларнинг тури ва аниқлигига қараб, ёритилганлик даражаси этарлича бўлиши ҳамда гигиена талабларига мос келиши;

-иш жойида тўғри тушадиган ва қайтган ёруғликлар бўлмаслиги;

-меъёрларга мувофиқ, корхона биноларига авария ёритгичлари ўрнатилиши;

-хавфли иш ўринлари юқори даражада ёритилган бўлиши;

-ёритиш қурилмалари хавфли ҳамда зарарли омиллар ҳисобланган, яъни шовқин, электр қуввати, иссиқлик чиқариш ва ёнғин чиқариш манбалари бўлмаслиги;

-назорат ўлчаш асбоблари, хавфсизлик сигнализатсияси ишончли ва узлуксиз ёритилиши;

-ёритилиш бир текис ва турғун бўлиши, соялар ҳосил қилмаслиги даркор. Акс ҳолда инсон кўзини бир шароитдан иккинчи шароитга тез-тез ўзгариб туриши натижасида, кўриш органларининг толиқиш ҳолати рўй беради.

Ёритқич лампалари ёруғлик тарқатиш хусусиятига кўра уч синфга бўлинади:

- тўғридан-тўғри нур тарқатувчи;

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

- нур ёювчи;

- нур қайтарувчи лампалар.

а) Тўғридан-тўғри нур тарқатувчи лампалар синфига, қуйи ярим айланаси бўйлаб ўз нурунинг тахминан 90% ни тарқатадиган лампалар киради.

б) Нур ёювчи лампалар ўз нурларини юқори ва қуйи айланалар ўртасида тақсимлашга асосланган бўлиб, умумий нурни юқори ва қуйи сфера бўйлаб тарқатади ҳамда ҳар қандай сояларга барҳам бериб, ёруғликни бир текисда тарқатиш имкониятини беради. Бундай лампалар шип ва деворлари ёруғлик қайтариш хусусиятига эга бўлган биноларга ўрнатилади.

в) Нур қайтарувчи лампаларда асосан 90% дан кўпроқ нур юқори сферага йўналтирилади ва ёритиш асосан қайтган нур ҳисобига амалга оширилади. Бундай ёритгичлар, соясиз юмшоқ ва майин ёритишни таъминлаб, асосан музей, театр биноларида қўлланилади.

г) Ёнғин ва портлаш хавфи бўлган биноларда махсус лампалар ишлатилади.

#### **4.6. Шовқин ва титраш ҳақида умумий маълумотлар.**

Шовқин ва титраш қаттиқ, суюқ, газсимон ва бошқа хил жисмларнинг механик тебранишларидир.

Меъёрдан юқори, узоқ таъсир этган шовқин ва титрашлар, кейинчалик организмини зарарлантириб, оғир касбий касалликлар келиб чиқиши сабабчисидир.

Сукунатни бузиб, фойдали товуш эшитишга халақит берадиган товушларга шовқин деб аталади.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Титраш қаттиқ жисмлар, машина ва жиҳозларнинг тебранишидир. Кучли, кескин ва узоқ давом этадиган шовқин ва титрашлар инсоннинг соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, натижада инсонни тез чарчатади, иш унумдорлигини пасайтиради, асаб ва юрак тизимини иш фаолиятини бузади.

Инсоннинг эшитиш органи механик тебранишнинг 16 - 20000 Гтс.гача бўлган тўлқинларини эшитади. 15 Гтс. дан паст частотадаги шовқин инфратовуш, 20000 Гтс. дан юқориси эса ултратовуш ҳисобланиб, инсон организмга салбий биологик таъсир кўрсатади.

Товуш интенсивлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ж = \frac{P^2}{\rho} \cdot C \quad \text{бу эрда:}$$

**Ж** – товуш интенсивлиги, Вт/м<sup>2</sup>; **П** – товуш босимининг миқдори, Па; **ρ** – муҳит зичлиги кг/м<sup>3</sup>; **С** – товуш тезлиги, м/с.

Товуш тўлқинларининг 20<sup>0</sup> С ҳароратли муҳитидаги тарқалиш тезлиги 343 м/с, пўлатда 5000 м/с, бетонда 4000 м/с. га тенг.

Машина ва ускуналарда, коммуникация ва қурилмаларда механизацияларнинг ҳаракатдаги қисмларининг носозлиги сабабли, суюқлик ва газлар қувурлар орқали босим остида узатилганда пайдо бўладиган қисқа тўлқинли тебранишлар титраш деб аталади.

Титраш қуйидаги кўринишда ифодаланади:


-титраш частотаси **φ** (Гтс); -титраш амплитудаси **А** (мм); -титраш тезлиги **В** (мм/с); -титраш тезланиши **ω** (мм/с<sup>2</sup>).

Титраш ускуна, жиҳоз ва коммуникацияларнинг механик мустаҳкам-лигини ва герметиклигини сифатсизланишига олиб келиши ва ҳар хил аварияларнинг сабабчисидир.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

Титраш таъсирида инсон танасидаги аъзоларнинг функционал ҳолатларини ишдан чиқиши, марказий асаб, юрак ва қон айланиш тизимида ҳамда ҳаракатланиш аъзоларида салбий ўзгаришлар содир бўлади. Унинг за-рарли таъсири чарчаш, бошнинг, панжа ва суяк бўғинларининг оғриши, ҳаддан ташқари асабийлашиш ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши билан намоён бўлади ва айрим ҳолларда тебраниш касаллигининг ривожланишига олиб келади.

Унинг оғир шакллари, меҳнат қобилиятининг қисман ёки бутунлай йўқолишига олиб келади. Шовқин ва титрашнинг иш жойларида рухсат этилган даражалари СанПиН Н0067-96 берилган.



**4.2-расм.** Шовқинни ўлчаш асбоблари: а- шовқин ва тебранишни ўлчаш асбоби ИШВ-1.

1-"Детсибел-1" улагичи; 2-микрофонни улаш жойи; 3- даврийлик филтрларини улагичи; 4-5-бошқарув винтлари; 6-"Микрофон-дацхик" улагичи; 7- "Калибр" тешиги; 8- дарак берувчи лампа; 9- сезгир миллик ўлчов асбоби; 10- эрга уланиш жойи;11- чиқиш тешиги; 12- иш туруни улагичи; 13- "Детсибел-П" ни улаш жойи; 14-"ўлчаш тури" ни улагичи;

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |



15- микрофон М-101; 16- микрофонни туткичи; 17-товуш узатувчи ичакли ўтказгич.

б- шовқин ўлчагич Ш-63 асбоби; в-шовқинни спектрлари бўйича таҳлил қилувчи

АШ-2М мосламаси билан ишловчи шовқин ўлчагич Ш-3М; г- ГДРда ишлаб  
чиқарилган қисқа муддатли кучли товуш тўлқинларини ўлчашга мўлжалланган Р81-  
201 асбоби.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

## Хулоса

Максимал ишлаб чиқаришда трубади шар тегирмони хом-ашё намлигини берилган росталашни автоматик тизимида мен ПИД-регулятор танладим, у менга керакли натижага эришишга ёрдам берди:

Ошиш вақтига эга бўлдим 14,9 с (талабда эса –15 с кўп бўлмаслиги керак эди)

Росталаш вақти – 43,3 с (талабда – 50 с)

Максимал қайтаростлаш – 8,66% (талабда –10% кўп бўлмаслиги)

Статистик хаоликни 0 гача тушурдик (талабда –0,05% дан кам)

Амплитуда бўйича қўшимча барқарорлик 17,9 дБ га тенг

Фаза бўйича қўшимча барқарорлик – 115°

Тизимга кўрсатилган талаблар ва олинган натижаларни таққослаб хулоса қилиш мумкинки, максимал ишлаб чиқариш кучида трубади шар тегирмонида хўл хом-ашёни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиришни омадли деб ҳисоблаш мумкин, чунки олинган тизим олдинги барча талабларга жавоб беради. ПИД-регуляторни қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман ва тизимни кўрсатилган талабларга мослаштириш ёрдам беради.

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Ҳужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.С. Боронихин, Ю.С. Гризак «Основы автоматизации производства и контрольно-измерительные приборы на предприятиях промышленности строительных материалов», 1974г.
2. И.Б.Гинзбург «Автоматическое регулирование в промышленности строительных материалов», 1974г.
3. Н.Н.Иващенко «Автоматическое регулирование», 1978г.
4. Трушин Ю.М. «Автоматизация производственных процессов в строительстве Бетона », 1980г.
5. Воробьев В.А. « Автоматизация технологических процессов и производств в строительстве », 1989 г.
6. Артамонов К.В. «Автоматизация технологических процессов в промышленности строительных материалов», 1977г.
7. Ликсо В.В. Самая большая книга о технике
8. Абдурахмонова М.И. “Техник тизимларни бошқариш” фанидан маъруза матнлари
9. [www.arduino.com](http://www.arduino.com) / page of Arduino
10. <http://wiki.amperka.ru/arduino-%D0%B1%D1%8B%D1%81%D1%82%D1%80%D1%8B%D0%B9-%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%80%D1%82:start>

|      |       |         |      |      |                         |       |
|------|-------|---------|------|------|-------------------------|-------|
|      |       |         |      |      | 1.20 А.ТШТ 00.00.000 ТХ | Варақ |
| Уз.. | Варақ | Хужжат№ | Имзо | Сана |                         |       |